Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 12 март • сешанба № 11 (851)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

Суд департаменти фаолиятига бағишланди

ЎЗБЕКИСТОН Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг "Суд қарорларини ижро этишда қонун ҳужжатлари аҳамияти" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

АДЛИЯ ВАЗИРИ ўринбосари, Суд департаменти директори Зокиржон Холмуҳамедов таъкидлаганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида суд қарорларини мажбурий ижро этиш тизимига, шу жумладан, Суд департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди. Соҳада амалга оширилган ишлар натижасида, Суд департаменти томонидан суд қарорларини мажбурий ижро этиш ишлари самарадорлигини ошириш, судларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш, суд биноларини қуриш, капитал таъмирлашда бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг тизимни янада такомиллаштиришга қаратилган 2006-2007 йиллардаги қарорлари суд ижрочиларининг фаолиятини тубдан яхшилаш ва ижро самарадорлиги янада ошишига олиб келди.

Суд департаменти тизимини тартибга солувчи қонуности ва 30 га яқин идоравий ҳужжатлар қабул қилинди. **"Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонун тасдиқланди. Ушбу Қонунни тайёрлаш жараёнида ижро соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва халқаро тажриба ўрганилди. Шундан келиб чиққан ҳолда амалдаги бир қатор қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Матбуот анжуманида журналистларга Президентимизнинг 2012 йил 29 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, Суд департаменти фаолияти самарадорлигини янада ошириш, унинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, суд ижрочилари меҳнатини моддий рағбатлантиришнинг янада мукаммал тизимини шакллантиришдаги аҳамияти хусусида батафсил маълумот берилди.

Таклифлар ўртага ташланди

ФУҚАРОЛИК жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд ҳудудий бўлинмаси, вилоят адлия бошқармаси ҳамда "Мураббий" ўқитувчилар ассоциацияси билан ҳамкорликда "Жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳуқуқий маданият ўрни" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**да қўйилган мақсад ва вазифалардан ҳамда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомийлигини таъминлашдан келиб чиққан ҳолда ва давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 23 августдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ва қонунийликни мустаҳкамлаш каби вазифалар қамраб олинган масалаларга алоҳида урғу берилди.

Хусусан, ўтган йил давомида вилоят адлия бошқармаси томонидан олиб борилган ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтириш масаласида оммавий ахборот воситалари орқали жами 900 га яқин маъруза, давра суҳбати, семинар, илмий-амалий конференцияларда жами 1700 га яқин ва бошқа йўналишлар орқали эса 200 га яқин ҳуқуқий тарғиботлар ўтказилганлиги ҳақида маълумот келтирилди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан келгусида вилоят адлия бошқармаси билан ҳамкорликда жойларда, маҳаллаларда ва таълим муассасаларида ҳам ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласида давра суҳбатларини ўтказиш таклифлари қабул қилинди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Ўқув-машғулот

Ҳаётимиз нури ва турмушимиз чиройи

АЁЛ — бу она. Оналарсиз ҳеч бир жамиятда тараққиёт йўқ. Улар — ҳаётимиз мазмуни. Аёллар ҳамиша ҳар биримизга инсонийлик, меҳр-муҳаббат, садоқат ва оилапарварлик каби юксак туйғулардан сабоқ беришган. Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг қадр-қиммати ҳақидаги ана шундай фикрлар Адлия вазирлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ўқув-машғулотнинг галдагисида ҳам таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар Ахмаджон Мелибоев ҳамда Кўчқор Норқобил** иштирок этиб, мамлакатимизда аёлларга алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатилаётганлиги, қай бир соҳани олмайлик, аёлларнинг фаол фаолият юритаётганлиги борасида фикр юритди.

Тадбир сўнггида, тизимда фаолият юритаётган аёлларга вазирликнинг эсдалик совғалари топширилди.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Ислом КАРИМОВ:

"...Бизнинг энг катта таянч ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодимиздир.

Бу — Ўзбекистонда ташкил этилган, дунё миқёсида катта қизиқиш ва ҳавас уйғотаётган мутлақо янги ўқув тизимида юксак таълим-тарбия олаётган, эски асоратлардан, қарашлардан узоқ бўлган, замонавий касб-ҳунарларни ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, эртанги кунга интилаётган бизнинг фарзандларимиздир".

Таълим ва тараққиёт

Дунё тан олмоқда ва эътироф этмоқда

ДУНЁНИ гўзаллик асрайди. Гўзаллик бўлган жойда инсоннинг баҳри-дили очилади. Ҳаётга бўлган меҳри ортади. Гўзаллик инсонни доимо яхшиликка ундайди. Яхшилик бўлган жойда эзгу ишлар амалга оширилади. Ҳаётда кимгадир сабоқ бериб, илм сирларидан воқиф қилиш буюк эзгуликдир.

ЮРТБОШИМИЗ мустақилликнинг илк кунлариданоқ ёшларнинг таълим олишига алоҳида эътибор қаратди. Қилинган саъй-ҳаракатлар бугунга келиб ўз мевасини берди. Мустақиллик йилларида таълим-тарбия олган янги авлод барча соҳаларда Ватанимиз байроғини баланд кўтармоқда, юрт мадҳияси дунё бўйлаб янграмоқда. Дунё ўзбек болаларининг ютуқларини тан олмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, **"Ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин".**

Таълим соҳасидаги ислоҳотларни дунёнинг етакчи мамлакатлари тан олмоқда. Катта-катта халқаро анжуманлар Тошкентда ўтказилмоқда. Яқинда пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида **"Таълим ва мавқега эришиш" VIII халқаро кўргазмаси** бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўргазманинг бу йилги ишида юртимиз ва хориждаги 600 дан зиёд олий ўқув юртлари, 100 га яқин ўқув маркази қатнашди. Энг муҳими эса, экспозиция 30 минг нафардан зиёд ёшларга мутахассислик ва касб-ҳунар танлашда амалий кўмакчи бўлди.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ ёшларнинг таълим-тарбияси, соғлом бўлиб вояга етиши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу мақсадда бир қатор қонун ҳужжатлари, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

2

"Обод турмуш йили" Давлат дастури: Иккинчи бўлим

Дастурнинг асосий мақсади – халқ фаровонлигини янада юксалтиришдир

ЎЗБЕКИСТОНДА амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг муносиб турмуш даражаси ҳамда ҳаёти сифатини оширишга қаратилган. Ушбу вазифаларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 14 февралда имзоланган Қарорига мувофиқ қабул қилинган "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

ДАСТУРНИНГ иккинчи бўлимида аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг муттасил ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолини, аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар ҳамда кам таъминланган оилаларни давлат томонидан манзилли ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар белгиланган.

2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ўртача камида 23 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда.

Даромадларнинг ўсиши эса бандликни ошириш орқали таъминланади. Жумладан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш (57,9 минг), кичик корхоналар ва микрофирмаларни (367,8 минг), якка тартибдаги тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш (117,7 минг), касаначиликнинг барча шаклларини ташкил этиш (218,4 минг), фермер ва деҳқон хўжаликларини (124,1 минг), ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш (73,1 минг), иқтисодий ночор ҳамда фаолият кўрсатмаётган корхоналарни қайта тиклаш (13,7 минг) ҳисобидан 972,7 минг янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ишчи кучи кўп бўлган 53 та туманда хомашёни чуқур қайта ишлайдиган ва тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга замонавий, вертикал интеграциялашган тўқимачилик комплекслари, шунингдек, тайёр тикувчилик-трикотаж ҳамда пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ихчам ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобидан 13 мингта юқори технологик янги иш ўрни яратилади.

Замонавий ишлаб чиқаришларни яхши тайёргарликка эга, малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида мамлакатимизда касб-ҳунар коллежларининг иш берувчи корхоналар билан кооперация асосидаги ҳамкорлигининг турли шакллари ривожлантирилмоқда. 2013 йилда бўш ва захира иш ўринлари ҳисобидан касб-ҳунар коллежларининг 500 мингдан ортиқ битирувчисини ишга жойлаштириш кўзда тутилган. Шу мақсадда коллежларга иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган 90 мингдан ортиқ корхона ва ташкилот бириктирилади. Касб-ҳунар коллежлари, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳамда корхоналар ўртасида уч томонлама шартномалар тузиш амалиёти кенгаяди. Бундан ташқари, ҳар бир вилоят маркази, йирик шаҳар ва туманларда иш берувчилар иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркалари мунтазам ўтказилади.

Давлат дастурида иш билан банд бўлмаганларни касбга ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш кўзда тутилган. Мисол учун, жорий йилда Тошкентдаги Касб-ҳунарга ўқитиш марказида 600 нафар йигит-қиз машинасозлик, электроника, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари каби соҳаларда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касбларни эгаллаши мумкин. Бу мақсадлар учун Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан 500 миллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилади. 2013-2015 йилларда Самарқандда ҳам ана шундай 240 та ўринли Касб-ҳунарга ўқитиш марказини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсиши кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга боғлиқ. Бугун мамлакатимиздаги барча хўжалик юритувчи субъектларнинг 87 фоизи нодавлат мулкчилик шаклига эга кичик ва хусусий бизнес корхоналаридир. Ялпи ички маҳсулотнинг 83,6 фоиздан ортиғи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 90 фоиздан кўпроғи, деярли барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда ўрта синфни шакллантиришда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Айнан мазкур секторни ривожлантириш ҳисобидан мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, социал ва иқтисодий барқарорликдан манфаатдор, уни тараққиёт ва демократик туб ўзгаришлар сари фаол ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган ижтимоий қатлам шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги **"Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"**ги Қонунига асосан иқтисодиётимизда хўжалик фаолиятининг оилавий корхоналар шаклидаги халқимиз менталитети ва анъаналарига тўлиқ мос келадиган янги ташкилий-ҳуқуқий шакли жорий этилди. Уларга кенг имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар берилди. Бунинг натижасида Қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб, ўтган ярим йил мобайнида мамлакатимизда 600 дан ортиқ шундай корхона ташкил этилди.

Давлат дастурида 2013 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун жами 269,6 миллиард сўм ҳажмида, яъни 2012 йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, оилавий, хусусий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 110,1 миллиард сўмлик кредитлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда қорамоллар сотиб олиш учун 106 миллиард сўм ажратилади. Коллеж ва лицейларнинг 15 минг нафардан ортиқ битирувчиси ўз бизнесини йўлга қўйиши учун жами 53,5 миллиард сўмлик кредитларга эга бўлади.

Ҳужжатда саноатни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу дастурлар ҳудудлардаги корхоналар ўртасида саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, уларни Маҳаллийлаштириш дастурини бажаришга янада кенг жалб этиш, ҳудудий инвестиция дастурларини амалга ошириш, бўш ётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, фойдаланилмаётган бино ва иншоотларни тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатга ижарага беришга йўналтирилган.

Корпоратив харидлар тизими кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг муҳим шаклларидан биридир. 2013 йилда тизимга жалб этилган соҳа субъектлари сонини 1,3 баробар кўпайтириш режалаштирилмоқда. Хусусан, устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган 2086 та йирик корхонада корпоратив харидлар механизмини жорий этиш ва харидлар умумий ҳажмида кичик бизнес улушини 25 фоизга етказиш белгиланган.

2

"INSON va QONUN" ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-84-50

"HUQUQ va BURCH" ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 233-21-93

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

"Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами" расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

LexUz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратади.
e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz Тел: 236-73-98, 236-17-33
website: www.lex.uz

Дастурнинг асосий мақсади – халқ фаровонлигини янада юксалтиришдир

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бундан ташқари, саноат ярмаркалари ва кооперация биржаларида имзоланган шартномаларга мувофиқ 850 та кичик ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотларини сотиш кўзда тутилган бўлиб, бу кичик корхоналар маҳсулотларини шундай шартномаларга асосан сотиш ҳажмларини 2012 йилга нисбатан 36 фоизга кўпайтириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигида кичик бизнесни янада ривожлантириш, фермерлик ҳаракати самарадорлигини ошириш, боғдорчиликка илғор технологияларни жорий этиш қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадлари ўсишида муҳим ўрин тутади.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасига кредит ажратишни кенгайтириш ҳисобга олинган ҳолда, ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни кўпайтириш, узумчилик, чорвачилик ҳамда ипакчиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга доир чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Масалан, 6,7 минг гектар майдонда янги боғлар, 3,5 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 6,8 минг гектар майдонда токзорлар яратиш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш орқали 15 минг нафар қишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига жалб этиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун 95,2 миллиард сўм йўналтирилади. Чорвачилик ва ипакчиликни ривожлантириш учун эса 345,9 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Ҳар бир қишлоқ туманида 10 мингта парранда парваришланадиган камида ўнта янги паррандачилик хўжалиги ва 500 та асалари оиласи, ҳар бир ҳудудда камида 30-40 та балиқчилик хўжалиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси корхоналарида ипак қуртини боқиш учун камида 10-15 та ипакчилик комплексларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши йилига қўшимча 32 минг тонна парранда гўшти ва 330 миллион дона тухум, 970 тонна асал, 2,4 минг тонна балиқ етиштириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, жумладан, сут, гўшт, мева-сабзавот ва узумни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ҳамда модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 94,5 миллиард сўмдан ортиқ 288 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу борада ўтказиладиган саноат ярмаркаси, инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари, бошқа биржа ҳамда ярмарка савдоларида тадбиркорлар

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва қайта ишлайдиган замонавий минитехнологиялар ҳамда ихчам ускуналар етказиб бериш бўйича шартномалар тузиши мумкин. Навоий машинасозлик заводи, "Технолог" акциядорлик жамияти, "ПГС" хусусий корхонаси ва бошқа корхоналарда шундай технология ҳамда ускуналарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**да замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш ҳамда миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни жадал амалга ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси фаолият кўрсатмоқда. Ассоциация томонидан IT-компанияларга беғараз асосда уларнинг электрон бошқарув соҳасидаги товар ва хизматларини таклиф этиш имкониятларини янада кенгайтирадиган, мақсадли илмий тадқиқотларни амалга оширадиган Электрон бошқарув бўйича компетенция маркази ташкил этилди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида G2G (давлат органларининг ўзаро), G2B (давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари билан) ва G2C (давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар билан) ҳамкорлик йўналишлари бўйича "Электрон ҳукумат" тизимини жадал шакллантириш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш доирасида интернет тармоғида "бир дарча" режимида фаолият юритадиган интерфаол давлат хизматлари ягона порталини яратиш кўзда тутилган. Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхат ва ҳисобга олиш, лицензия ҳамда рухсатномаларни электрон шаклда расмийлаштириш бўйича интерфаол хизматлар жорий этилади. Шунингдек, 2013 йилда FTTx технологияси бўйича кенг полосали оптик тармоқларни ривожлантириш ҳисобидан аҳолининг интерфаол хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш ишлари давом эттирилади.

2013 йилда жойларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида кам таъминланган оилалар, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маслаҳат, ҳуқуқий ҳамда ташкилий ёрдам кўрсатиш лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

"Обод тумуш йили" Давлат дастурининг мазкур муҳим бўлимида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизни янада жадал ривожлантириш, Ўзбекистонда ҳар бир одам, ҳар бир оила фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

(ЎзА)

Дунё тан олмоқда ва эътироф этмоқда

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг ноёб тизими амалга оширилаётгани, 12 йиллик таълимнинг афзалликлари, мактаб таълими етти тилда олиб борилиши, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақаларидан иборат уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг афзалликларини бугун бутун дунё эътироф этмоқда. Айниқса, 2012 йил 16-17 февраль кунлари Тошкентда ўтказилган **"Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти"** мавзуидаги халқаро конференцияда 48 давлатдан, 8 та халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил иштирок этиб, Ўзбекистоннинг ёш авлод таълим-тарбияси борасида тўплаган тажрибаси ҳар томонлама андаза олишга арзигулик эканини эътироф этгани мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли нақадар тўғрилигига яна бир далил бўлди.

Ана шу халқаро анжуманда қатнашган кўплаб хорижлик мутахассислар Ўзбекистонда таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларга юксак баҳо берди. **"UCSI" университети президенти (Малайзия) Петр НГ** шундай дейди: — **Ҳар бир юртнинг куч-қудрати, интеллектуал салоҳияти таълим тизимидаги ислоҳотларда ҳам намоён бўлади. Шу маънода, Ўзбекистон ёш авлод таълим-тарбиясига юксак ғамхўрлик кўрсатмоқдаки, бунга нафақат ҳавас қилиш, шу билан бирга, ушбу йўналишдаги ислоҳотлардан ибрат олиш керак, деб ўйлайман. Юртингиздаги мактаб таълими тизимининг тубдан ўзгаргани, ўқитиш сифатининг яхшиланиши, ўқитувчи-мураббийлар меҳнати эъзозланаётгани, ўғил-қизлар республика ва халқаро миқёсдаги фан олимпиадаларида мунтазам иштирок этиб, юқори кўрсаткични қўлга киритаётгани таҳсинга лойиқ.**

Дарҳақиқат, бугун юртимиз ёшлари нафақат республика, шунингдек, халқаро миқёсдаги кўплаб фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, турли санъат анжуманларида қатнашиб, истеъдодларини намойиш этмоқдалар, ўзбек ёшларининг мағрур овозини дунёга ёймоқдалар.

Кўплаб ёшларимиз дунё назарига тушаётганидан фахрланса арзийди. Улар орасида Францияда бўлиб ўтган А.Глазунов номидаги VII халқаро мусиқа танловининг 1-ўрин соҳиби Р.Глер номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 7-синф ўқувчиси Машҳура Азизова, 46-халқаро Менделеев олимпиадасининг қумуш медали совриндори Равшан Олмосовлар бор. Бугун буларга дунёнинг манаман деган ёшлари ҳавас қилмоқда.

Истиқлол йилларида ёшларимиз томонидан халқаро фан олимпиадаларида 20 та олтин, 49 та қумуш, 88 та бронза медали ва 100 дан ортиқ дипломлар қўлга киритилди.

Гап шундаки, бу ютуқларнинг тамал тоши илк савод чиқариладиган даргоҳ — мактабларда қўйилди. Президентимизнинг ташаббуси билан ҳаётга татбиқ қилинган **"Таълим тўғрисида"**ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига кўра, юртимизда минглаб муҳташам ўқув бинолари бунёд этилди. Биргина 2012 йили 14 та янги уй-жой массивида замонавий мактаблар барпо этилди, 187 та умумтаълим муассасаси реконструкция қилиниб, 162 таси капитал таъмирланди. Таъкидлаш мумкинки, юртимизнинг барча ғўшаларидаги энг кўркам бинолар айнан мактаб, коллеж ва лицейлар бўлиб қолди. Шу билан бирга, моддий-техник база мустаҳкамланиб, ёш авлодни давр талабларига муносиб инсон қилиб етказиш ва таълим бериш учун барча шарт-шароит муҳайё этилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида тилга олинган бу эътироф миллионлаб юртдошларимизга чексиз ифтихор ва ғурур бахш этгани, шубҳасиз. Негаки, бундай эътирофлар асосини мустаҳкам устунлар ушлаб турибди. Бутун дунёда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири давом этаётган бир пайтда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи ва Давлат бюджети харажатларининг 35 фоизи йўналтирилмоқда. Энг асосийси, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш учун сарфланаётган бу маблағларга харажат деб эмас, келажакка қўйилаётган сармоя сифатида қаралмоқда. Мустақиллик йилларида янгича таълим олган ёшлар буюк ишларга қўл урмоқда. Илмда дунёни лол қолдирадиган кашфиётлар қилмоқда.

— Тараққиётимизни қоғозсиз тасаввур қилиш қийин, — дейди **Тошкент Кимё технология институти магистранти Дилноза Ҳамдамова** "Инсон ва қонун" газетасига берган интервьюсида. — 75 йил умр кўрадиган инсон ҳаётда салкам 10 минг килограмм қоғоз ишлатаркан. Мамлакатимизда қоғозга бўлган талабни ҳисобга олиб, мен илмий ишимда шолипоясидан, шолилузгисидан (шолиқобиғи), кепагидан лаборатория шароитида целлюлоза олдим.

Демак, ўзимизда ҳам сифатли қоғоз ишлаб чиқаришга асос яратилмоқда.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси 2012/2013 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танлови ғолиби **Анна Алиева**нинг илмий тадқиқоти **"Гликемия ва инсулинорезистентликнинг шифохона ва тажрибадаги баъзи бир солиштирма анализ кўрсаткичлари"** мавзуига бағишланган. Ёш тадқиқотчининг илмий иши дунё бўйича 350 миллиондан ортиқ бемор азият чекаётган эндокринологик касалликларни даволашга қаратилган.

Кечагина бу қизлар мактабда ўқувчи эди. Бугун улар ўз ишлари билан дунёни ҳайратга солмоқда. Булар ўзбек қизлари. Мустақиллик фарзандлари. Таълимдаги ўзбек моделининг "мева"лари.

Яқинда газеталаримизда 2012/2013 ўқув йили учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танлови ғолиблари суратлари билан эълон қилинди. Қалбингда фахр туйғуси уйғотади. Улар ўз фаолиятлари билан дунёни лол қолдирган кашфиётлар қилмоқда. Бундай ютуқларнинг барчасида Юртбошимизнинг таълимга берган эътибори асос бўлаётганини дунё эътироф этмоқда.

Президентимиз томонидан 2012 йил 10 декабрда **"Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори қабул қилинди. Бу Қарор ёш авлоднинг келажакда замон талабларига жавоб берадиган кадр бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади.

2013-2014 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни босқичма-босқич ўқитилиши белгиланганлиги хорижий тилларни мукаммал ўзлаштиришига замин яратади. Бир неча йиллар ўтиб, 4-5 та хорижий тилни билмаган одам зиёлиликка даъво қилолмай қолади. Буни бугунги ҳаёт кўрсатмоқда.

2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда ўтган **"Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти"** мавзуидаги халқаро конференцияни дунёнинг кўплаб мамлакатлари кузатиб борди. Анжуманда қатнашган кўпчилик хорижлик мутахассислар Ўзбекистондаги таълим тизимига юксак баҳо берди. "Ахборот" кўрсатувига интервью берган хорижлик бир мутахассис профессор ҳайрат билан гапирди. **"Энди билсам, дунёда энг бахтли ёшлар Ўзбекистонда яшаркан. Мен бунга ишондим. Таълим тизимида бундай имкониятлар жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам йўқ. Қайси давлат 12 йил ўз болаларига текин таълим беради. Оилада ҳеч бир ота ҳам ўз фарзанди учун бундай имкониятни яратиб бера олмайди. Ўзбек болаларининг бахти уларнинг Ислом Каримовдек отаси борлигида".** Сунъий йўлдош орқали **ҳайрат ва кўз ёши** билан айтилган бу сўзларни дунё кўрди ва эшитди.

Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон дунёнинг **141 мамлакати орасида 2-ўринни банд этди.** Бу ютуқ халқ анжуманларида ботбот хорижий мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда.

Мустақилликнинг илк йилларида умид билан экилган "ниҳол"лар ўз "мева"сини бермоқда. Ёшлар буюк аждодларга муносиб фарзанд эканликларини кўрсатмоқда. Бобомиз Амир Темур жаҳонни ўзининг адолатлилиги билан ҳайратга солган бўлса, сўз мулкининг султони Алишер Навоий ўз қалами билан дунёни забт этди. Ал-Бухорийнинг ўлмас асарлари дунё мусулмон оламини ўчмас чироқдек ёритиб турибди. Бугунги авлод уларнинг невара-чеваралари. Вақти келиб, мустақиллигимизнинг ярим асрлик тантаналари нишонланади, иншоолоҳ. Ана шундай қутлуғ кунларда бугунги авлод дунёни ҳайратларга тўлдиради. Буни бугунги ҳаёт кўрсатмоқда. Уларга Ватан ҳам, Президент ҳам ишонади. **"Мен уларга ўзимга ишонгандек, ишонаман"**, дейди Юртбошимиз.

Ишонч. Ёруғ оламдаги улуғ эътирофдир.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Фаолият

Юридик хизмат соҳаси

қонунчилик тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади

БУГУНГИ КУНДА, юридик хизмат фаолиятини норматив тартибга солиш Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги **"Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ва 2007 йил 22 ноябрдаги **"Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарорлари билан амалга оширилмоқда.

Ушбу қарорлар билан давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда давлат ташкилотларида юридик хизмат фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, юридик хизмат ходимларининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан, уларни аттестациядан ўтказиш ва малака ошириш тартиби белгилаб берилди.

Таъкидлаш лозимки, давлат органининг юридик хизмати, деганда давлат органининг фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий бўлинма ёки лавозим тушунилади.

Юридик хизматнинг яна бир муҳим хусусиятларидан бири унинг бевосита давлат органининг раҳбарига бўйсунишидир.

Қонунчиликка мувофиқ тегишли ташкилотнинг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида бевосита қатнашиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритиш, ташкилот ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ҳамда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказишда қатнашиш, ташкилот ҳамда унинг тизимига кирадиган бўлинмалар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашга кўмаклашиш, шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритишда иштирок этиш, шунингдек, судларда ва бошқа идораларда ташкилотнинг манфаатларини ҳимоя қилиш юридик хизматнинг муҳим вазифалари саналади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган "Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги Низом"га мувофиқ ташкилотларнинг юридик хизмат ходимлари Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органларида ҳар беш йилда, юридик хизмат ходими лавозимига қабул қилинган шахслар ишга қабул қилинган кундан бошлаб, олти ой мобайнида аттестациядан ўтказилиши керак.

Таъкидлаш лозимки, юридик хизмат фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишда адлия органлари муҳим ўрин тутади.

Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 23 августдаги Қарори билан тасдиқланган **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"**ги Низомга мувофиқ Адлия вазирлигига давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат ташкилотларида ҳуқуқий ишларни мувофиқлаштиришни амалга ошириш ҳамда уларни яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилган.

Бугунги кунда ушбу вазифаларни амалга ошириш ва ташкилотларда юридик хизмат фаолиятини такомиллаштириш мақсадида адлия органлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, республика бўйича юридик хизмат ходимларининг маълумотлар базаси шакллантирилди, аксарият юридик хизмат ходимларининг малакаси оширилиб, уларнинг аттестациядан ўтказилиши таъминланди.

Шунингдек, адлия органлари томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда юридик хизмат фаолияти ўрганилиб, аниқланган камчиликлар ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган амалий тавсиялар бериб келинмоқда.

Шерзод РАБИЕВ,
Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи

Имконият ва имтиёз

Ноқонуний текширишга рухсат йўқ

Ана шу ҳолат тадбиркорлар учун қулай имконият муҳитини яратмоқда

ЮРТИМИЗДА фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисоботларни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда ишбилармон учун қулай бизнес муҳити вужудга келмоқда.

Бундан ташқари, 2012 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги Қонунига айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Айрим меъёрлар **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонунига мослаштириш билан бир қаторда унинг 15-моддаси янги таҳрирда ўзгартирилиб, эндиликда назорат тартибидаги текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан махсус ваколатли орган белгиланган тартибда бир иш куни ичида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Бухоро вилояти ҳудудий комиссияси томонидан текширишларни ўз вақтида ўтказилиши устидан доимий равишда мониторинг олиб борилмоқда.

Ўтган йили барча назорат органлари томонидан жами 303 та хўжалик юритувчи субъектда режали текшириш ўтказилди. Ушбу кўрсаткич 2008 йилда (845 та) ўтказилган режали текширишлар билан солиштирилганда, қарийб 3 баробарга камайганлигини кўриш мумкин.

Бухоро вилояти ҳудудий комиссияси фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда ҳам қонунга амал қилинмоқда. Ўтган йили назорат органлари, ҳудудий комиссиялар ва хўжалик юритувчи субъектлардан комиссия номига текширишларни мувофиқлаштириш борасида 465 тадан ортиқ хат, сўров, мурожаат ва маълумотлар келиб тушди.

Мурожаатларнинг 433 тасини режадан ташқари текширишга рухсат бериш тўғрисидаги сўров хатлари ташкил этганди. Режадан ташқари текширишга рухсат бериш учун сўралган 450 та субъектдан 343 тасига рухсат берилган. Уларнинг 7 тасида эса режадан ташқари текшириш ўтказишга етарли асос бўлмаганлиги сабабли рад жавоби берилди.

Мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш мақсадида юқорида таъкидлаганимиздек, муҳим қадамлар қўйилмоқда. Бугунги кунда тадбиркорнинг асосий вазифаси яратилган имконият ва имтиёздан оқилона фойдалана билишидадир. Бу эса тадбиркорнинг ўзига боғлиқ.

Бахтиёр НОРМИРЗАЕВ,
Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши Бухоро вилояти ҳудудий комиссияси раиси ўринбосари, вилоят ДСБ бошлиғи

Адлия ёрдам берди

"Ўзгалар омонати"

эгаларига қайтарилди

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлиги Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилган ва тузилаётган шартномаларнинг қонуний тузилиши ҳамда бажарилишини амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан текшириш, назорат қилиш, аниқланган камчилик, шартнома интизомини бузган ва бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтириш бўйича ўрганишлар ўтказиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг бузилган ҳуқуқларини тикламоқда.

Хусусан, бўлим томонидан 2012 йил давомида судларга жами 9.189.969.663 сўмлик 1.703 та даъво аризаси киритилиб, шундан хўжалик судига 9.067.069.518 сўмлик 1.687 та, фуқаролик судига 122.900.118 сўмлик 16 та даъво аризаси киритилди.

Киритилган 8.193.765.245 сўмлик 1.488 та даъво аризалари суд томонидан қаноатлантирилди.

Шундан, фермер хўжаликларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 1.188.719.004 сўмлик 772 та даъво аризаси киритилди ва 406.838.368 минг сўмлик 575 та даъво ариза қаноатлантирилди. Тақдимномага асосан 762.252.000 сўм фермер хўжаликларига тўлаб берилди.

Бундан ташқари, Қораўзак туманида фаолият кўрсатаётган "Қалим Бекполат" фермер хўжалиги раҳбари Б.Қалимбетов бўлимга ўрнатилган "Ишонч телефони"га "Чимбойдон" МЧЖ томонидан 17.760.600 сўмни тўлаб бермаётганлигини билдириб, мурожаат қилган эди.

Мурожаат ўрганиб чиқилиб, киритилган тақдимномага асосан "Чимбойдон" МЧЖ "Қалим Бекполат" фермер хўжалигига 17.760.600 сўм тўлаб беришга мажбур бўлди.

Жуматдиин ИДИЯТУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи

Депутат минбари

Ахборотлашган жамият

ривожланиш босқичларида дадил одимлайди. Буни бугунги ҳаёт кўрсатмоқда

(Иккинчи мақола)

МАЗКУР соҳада мамлакатимизда бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, кейинги йилларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини компьютер техникаси, локал ҳисоблаш ва корпоратив компьютер тармоқлари билан жиҳозлаш қўлами янада кенгайтирилиб, республикамиз бўйича компьютер техникаси билан таъминланиш даражаси тобора ўсиб бормоқда. Давлат бошқаруви органларида локал ҳисоблаш тармоқлари яратиш борасидаги ишлар якунига етиб қолган бўлса, корпоратив компьютер тармоқлари яратиш бўйича саъй-ҳаракатлар жадал суръатларда давом эттирилмоқда.



Шунингдек, айни вақтда 98 фоиз давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг интернет глобал тармоғида ўз веб-сайтлари яратилган. Базавий интерактив давлат хизматларининг умумий сони эса 197 тага етказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги мавжуд қонунлар ижроси устидан мунтазам равишда назорат-таҳлил ишларини олиб боришдир. Қўмитамиз томонидан олиб борилаётган ана шундай назорат-таҳлил жараёнлари жойларда соҳага оид қонунларнинг ижросини таъминлашда айрим ташкилий ва норматив муаммо ҳамда камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, давлат хизматчиларининг бу борадаги билим ва малакаларини ошириш, уларнинг замонавий ахборот тизимлари, жумладан, интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, мамлакатда самарали электрон ҳукуматни яратиш мақсадида интерактив давлат хизматларини ривожлантириш ва сифатини ошириш масалалари долзарблигича қолмоқда.

Ҳозиргача ўтказилган назорат-таҳлил якунларига кўра, ахборот-коммуникация технологияларига оид барча қонун ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилиб, эришилган натижалар бўйича Қўмита томонидан мазкур соҳанинг янада эркин ривожланишини таъминлашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш ишлари дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, яқин йиллар давомида ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор янги қонун лойиҳалари, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Мазкур қонун лойиҳаларининг айримлари ўтган вақт мобайнида ишлаб чиқилиб, парламент муҳокамасига киритилди ва қабул қилинди.

Мисол учун, аҳоли барча қатламларининг ахборот-кутубхона ресурсларидан монеликсиз фойдаланишини таъминлаш, уларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий ва таълим олиш эҳтиёжларини тўла қондириш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ресурсларидан ўзаро фойдаланишни таъминлаш мақсадида 2011 йил 13 апрелда **"Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди.

1999 йил 20 августда **"Телекоммуникациялар тўғрисида"**ги Қонун қабул қилиниб, унда телекоммуникацияларни яратиш, фаолият кўрсатиши ва ривожланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалар белгилаб қўйилган эди.

Ушбу Қонун ҳамда телекоммуникация тармоқларини модернизациялаш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш ҳамда соҳада амалга оширилган тизимли ва босқичма-босқич ислоҳотлар натижасида республиканинг барча вилоят марказларида рақамли халқаро телекоммуникация станциялари ўрнатилди, магистрал халқаро ва вилоятлараро алоқа линияларида толалиоптик кабель ва рақамли радиорелели линиялар ўтказилди. Республика ҳудудларида CDMA стандартида симсиз радиофойдаланиш телекоммуникация тизими жорий этилди. Бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, 2011 йил 30 декабрда **"Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан фуқароларга замонавий телекоммуникация хизматлари кўрсатишни тўлақонли ва сифатли таъминлаш, ахборотлаштириш ҳамда телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, алоқа хизматлари, маълумот узатиш ва тарқатиш соҳаси равнақига йўналтирилган янги нормалар киритилди. Уларга кўра, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ҳамда жисмоний шахсларга интерактив давлат хизматлари кўрсатиш мақсадида умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоқларининг самарали ишлаши ва ривожлантирилиши учун шарт-шароитларни яратиш бўйича мажбурият белгиланди.

Шундай қилиб, Қонуннинг янги нормаларида ўзаро ижтимоий-иқтисодий муносабатларга замонавий телекоммуникация технологияларини кенг жалб этиш мақсадида уларни янада тараққий эттириш ва кенгайтириш масаласи ўз ифодасини топди.

Ривожланган ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланишда интернет тармоғидаги миллий сегментни ривожлантириш зарурлиги, уни ташкил этишда асосий ўрин тутувчи домен номлари ва домен номлари тизими каби асосий тушунчаларга таъриф берилиши муҳим аҳамият касб этади. Интернетдан фойдаланиш қўламини кенгайтиришдан асосий мақсад ҳам фуқароларга зарур ахборотни уларга керак бўлган вақтда олиш имконини беришдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 20 га яқин телекоммуникация операторлари мавжуд бўлиб, улар телекоммуникация тизимида 28 та йўналиш бўйича дунёнинг 180 та мамлакатига тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналлар орқали ўз хизматларини кўрсатмоқда.

Айни вақтда Қўмитамиз аъзолари бўлган депутатлар соҳа мутахассислари, экспертлар, ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда ахборот-коммуникация технологияларига оид қонунларни янада такомиллаштириш устида фаол иш олиб бормоқда. Соҳага оид янги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан давом эттирилаётган саъй-ҳаракатларимиз жамиятни ахборотлаштиришга йўналтирилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг қўламда фойдаланишни рағбатлантириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа барча соҳаларда янада самарали қўлланилишига қаратилган ҳуқуқий имкониятларни яратиб беришга замин ҳозирлайди.

Телекоммуникация соҳасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари сирасига эса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация воситалари ҳамда интернет тизимини янада кенг жорий этиш, халқаро телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш ва халқаро коммутация марказларини захиралаш мақсадида йўлдошли алоқа тизими орқали қўшимча каналлар ташкил этиш, рақамли телевидение камровини кенгайтириш ва рақамли телевидение фойдаланувчиларига қўшимча хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш, телекоммуникациялар тармоқларининг ишончлилиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича захиралаш ҳамда автоматлаштирилган бошқарув тизимини такомиллаштириш ишларини якунига етказиш каби масалаларни киритиш мумкин.

Шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этишга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, илғор технологияларга асосланган қурилма ва воситалар ишлаб чиқариш кўламини ошириш, янги ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматларни жорий этиш мақсадида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини инобатга олган ҳолда тегишли қонунлар ва қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб, янги қонунларни ишлаб чиқиб, қабул қилишни ҳам давр ўзи тақазо этмоқда.

Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳаларни жадал амалга ошириш тобора муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб, шундай дедилар: ***"Биз ўзимизга шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади"***.

Дарҳақиқат, бугунги кунда олдимизда масъулиятли вазифалар турибди. Яъни, қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур. Бу борада "Электрон ҳукумат" тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштиришга, ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларини интеграция қиладиган миллий тизимни яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги Юртбошимизнинг маърузасида устувор йўналиш сифатида белгилаб берилди.

Албатта, яқин истиқболдаги ушбу мақсад-муддаоларни амалга ошириш учун, биринчи навбатда, мазкур соҳани тартибга солувчи қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, самарали ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш ҳамда жойларда соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида фаолият олиб бориш биз депутатларнинг устувор вазифамиздир. Пировардида, бу саъй-ҳаракатларимизнинг натижаси ўлароқ, истеъмолчиларнинг барча қатламлари ҳамда жадаллик билан ривожланиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари талабларига мос тушадиган, тубдан янгиланган ахборот-коммуникация тармоқлари вужудга келишига замин яратилиб, мамлакатимизда ахборотлаштириш жараёнлари янада жадаллашади ҳамда Ўзбекистон жаҳон ахборот маконида ўзига хос ва муносиб ўринга эга бўлади.

Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати

Вояга етмаганлар тарбияси муҳим масала!

Ниҳолларни аёз урмасин

Маънавий бўшлиқ ва масъулиятсизлик қаъридаги қоронғу кўчалар

МАЪЛУМКИ, ҳар бир инсон дунёга тонги шабнамдай беғубор, фаришта-дай пок, жамики иллатлардан ҳоли келади. Лекин унинг келгусидаги тақдирини оила муҳити, маънавияти, ота-онанинг дунёқараши, билим савияси ва фарзанд тарбиясига масъуллик даражаси белгилайди.

ЮРИДИК ТИЛДА "ҳуқуқбузарликка мойил вояга етмаганлар", "тарбияси оғир болалар", деган ибора мавжуд. Очиғи, қулоғимизга тез-тез чалинадиган, ОАВ саҳифаларида кўплаб учрайдиган бу сўзларни эшитганимизда ҳеч биримиз ажабланмаймиз ва бунинг замирида ётган очиқ ҳақиқат ва иллат ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Аслида эндигина мустақил ҳаётга қадам босаётган болаларга яхши, ёмон, деган тамғани босишнинг ўзи ҳар қандай жамият учун оғриқли ҳолат.

Азалдан фарзанд тарбияси инсониятнинг алоҳида диққат-эътиборида бўлган муҳим масала бўлиб келган. Чунки ҳар бир давлатнинг, халқнинг эртанги куни қандай бўлишини маънавияти юксак, интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар белгилайди.

Бу муқаддас заминда ҳар биримиз учун фарзандларимизнинг камолини кўришдан ортиқ бахт йўқ. Бинобарин, миллий қадриятларимиз руҳи билан уйғунлашган мустақил давлатимизнинг сиёсий устувор йўналишлари ҳам айнан мана шу эзгу мақсадлардан иборатдир.

Ҳаётимизнинг қайси соҳасига қарамайлик, ўқиш, илму фан, спорт, қишлоқ хўжалиги бўладими, иқтидорли ёшларимиз етакчилик қилаётганлигига гувоҳ бўламиз.

Аммо эришаётган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб эмас, балки жамиятимизнинг ҳануз ўз ечимини кутаётган муаммолари ва фарзандларимиз ҳаётига таҳдид солаётган турли хил иллатларни бартараф этишга асосий эътибор қаратиб яшашни бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, **"...ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор"**. Дарҳақиқат, қаерда ло-қайдлик ва эътиборсизлик, маънавий бўшлиқ ва масъулиятсизлик пайдо бўлса, ўша ерда жиноятининг турли кўринишлари намоён бўлади. Шу ўринда, фарзанд камоли учун ҳам, заволи учун ҳам, энг аввало, ота-она жавобгар эканлигини яна бир бор таъкидлаш жоиз.

Ахлоқий қадриятларимиз манбаи саналган Ҳадиси шариф ва буюк аждодларимизнинг бебаҳо битикларида ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи фақатгина едириб-ичириш эмас, балки имону эътиқодли, орномусли, ватанпарвар, барча эзгу фазилатларга эга комил инсон қилиб тарбиялаш эканлиги, балоғатга етмаган ўғил-қизларнинг ҳар қандай хато ва гуноҳи учун, аввало, ота-она жавобгарлиги уқтирилади.

...Ангренлик Баҳодирга кафеда ишлаш ёқиб қолди. Аввалига отасига ёрдамлашиб юрди. Кейинчалик кабобпазликнинг сир-синоатларини тўлиқ ўзлаштириб, отасининг ўрнини эгаллади. "Лола" кафесининг раҳбариятига кўл-оёғи чаққонгина 15 ёшли ўспирин маъқул келди чоғи, ҳатто унинг тунда ишлашига ҳам монелик кўрсатишмади. Бу азаматлар амалдаги қонунларга кўра, вояга етмаганлар учун белгиланган иш тартиби мавжудлигини, уларни тунги меҳнатга жалб этиш қонунга хилоф эканлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўришмади.

Кафедаги тонготар базму жамшид, ширакайф мижозларнинг сахийлиги, оқиб келаётган мўмай пуллар йигиттчани ром этиб, бора-бора ўқишдан бутқул совитди. Бунинг устига мактаб ўқитувчилари давомати пастлиги учун уни тергаб, безовта қилишмаяпти. Ота-онаси эса пул ишлаб топаётган ўғилларидан хурсанд.

Афсуски, узоққа чўзилмаган "омадли кунлар" фожиа билан якун топди, Баҳодир бир инсоннинг қотилига айланди. Машъум воқеа юз берган куни мижозлар одатдагидан кўпроқ эди. Тунги соат 1:30 да қўли қўлига тегмаган ходимлар обдон чарчаб, ишни тугатиш тараддудига тушди. Шу пайт шаҳарчада таниқли одам сариқ соч аёлни қўлтиқлаб, кафега кириб келди-да, кабоб буюрди. Баҳодир истар-истамас ўчай, деб қолган оловни ковлай бошлади.

— Бунча имиллайсан, тезроқ ҳаракат қил.

Маст одамнинг дағал оҳанги унга малол келса-да, индамай ишини давом эттирди. Бир неча дақиқадан сўнг эшитилган яна бўйруқ йигитчанинг асабини қўзиди.

— Сен нима қилаяпсан ўзи? Ухлаб қолдингми? — дея хўранда гандиракдаб унинг ёнига келди-да, ёмон сўзлар билан ҳақоратлай кетди. Пиёз тўғраётган Баҳодир ҳам бир сўздан қолмади. Боз устига қўлидаги ошпичоқни отаси тенги одамга ўқталиб, таҳдид қилди.

— Сен мишиқи, ҳали мени кўркитмоқчимисан? Эркак киши қўлига пичоқ олгандан кейин уради-да. Йигит бўлсанг, қани уриб кўр-чи...

Кутилмаганда чап кўкрак соҳасига санчилган пичоқ зарбидан алжираётган одам икки букилиб қолди. Ўз қилмишидан гангиб турган Баҳодир фавворадек отилган қондан даҳшатга тушди. Қўлидаги қонли пичоқни чангаллаганича уйи томон қочди.

— Онажон мени бирор жойга ширинг, — кўрқувдан титраганича илтижо қилди у. — Мен одам ўлдирдим. Жон она, мени қутқаранг...

Тегишли тадқиқотчи олимларнинг фикрига кўра, тунги меҳнат фаолиятида кишиларнинг руҳий ҳолати ёмонлашади, асабий зўриқиш кучайиб, тажовузкорлик ҳолати фаоллашади. Бу ҳолат, айниқса, вояга етмаганлар ва 20-25 ёшгача бўлган ёшлар учун жиддий хавф туғдиради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, статистик рақамларнинг кўрсатишича, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг 26,6 фоизи, ёки ҳар учинчиси тунги вақтда, 40 фоиздан зиёдроғи ота-она назоратидан четда қолганда ва маълум бир қисми ташқи таъсир, яъни видеофильмлар таъсири остида содир этилади. Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни вужудга келтирувчи омиллар таҳлили шуни кўрсатдики, аксарият ҳолларда вояга етмаганлар ўзларининг қаровсиз қолган вақтларини тунда турли кўнгилочар жойларда спиртли ичимликлар ичган, миллийлигимизга ёт бўлган бехаё ва жангари фильмларни томоша қилган ҳолда ўтказишлари уларнинг хулқига салбий таъсир этаркан.

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисидаги мавжуд қонун ҳужжатлари фарзандларимиз маънавиятига таҳдид солаётган турли иллатлардан ҳимоя қилиш, уларни оиласига, ота-онасига, яқинларига шу аснода элу юртга садоқат ва меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида беқиёс аҳамият касб этади.

Хусусан, **"Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"**ги ва **"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонунлар ёшлар ўртасида жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатни яхшилаш, уларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган бўлиб, унда вояга етмаганларни тунги вақтда ота-онасидан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз ресторанларга, кафеларга, барларга, дискотекаларга, кинотеатрларга, интернет ва компьютер залларига, кўнгилочар тадбирлар ўтказиладиган бошқа биноларга киритганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Бироқ амалдаги қонунларга амал қилмайдиган бир ҳовуч нафс бандалари шахсий манфаатлари йўлида билиб-билмай норасида болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига зиён етказмоқдалар. Кўпчилигимиз интернет кафега йўл олган фарзандларимизга пул берамизу, лекин у ерга бирров ўтиб, улар қандай ўйин ўйнаши, қандай фильмлар кўриши, кимлар билан мулоқотда бўлишига қизиқиб, вақт тополмаймиз. Мана шу биргина хато ва эътиборсизлигимиз ҳам ўғил-қизларимизнинг келгуси тақдирини салбий томонга ўзгартириб юбориши мумкин экан.

Келинг, сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун вояга етмаганлар томонидан содир этилган яна бир жиноят тафсилотини келтириб ўтсак.

1996 йилда туғилган Хуршид, Ботир, Умид ва Турғун интернет залидан кўчага чиқишганида, ҳамон томоша қилган фильм таъсирида эдилар. Улар ўзларини чет эл фильмларидаги жангарилардек дунёни остин-устун қилишга қодир ҳис этди ва куч-қудратларини амалда синаб кўришга ахд қилишди. Тўрт оғайни ўзлари ёчоғдан ясаган махсус калтаклар билан қуролланиб, тунги соат 2 да "овга" чиқишди. "Бўрижар" кўприги устида турган енгил машина ичидаги йигит ва қиз уларнинг ўлжасига айланди. Аввалига машина ойнасини уриб синдира бошлашди ва шу йўл билан йигитни машинадан тушишга мажбур қилишди. Сўнгра фильм қаҳрамонлари қўллаган усул билан уни хушидан кетгунча калтаклашди. Бу орада улардан бири қизнинг овозини чиқармаслик чорасини кўрди... Боскинчилар шу аснода жабрланувчиларнинг катта миқордаги пул ва қимматбаҳо тақинчоқларига эга бўлишди.

Тун ярмидан оққанлиги, атроф зимзиё қоронғу ва хилват эканлиги уларнинг қабиҳ ишларига қўл келса-да, бироқ жазодан қочиб қутила олишмади.

Бола тўғри йўлдан адашди, хато қилди, оқибат жиноятга қўл урди. У ҳамкишлоғимиз, маҳалладошимиз ёки қўни-қўшнимиз фарзанди бўладими, бундай пайтда ундан ўзимизни олиб қочамиз. "Балки бунда менинг ҳам айбим бордир", деган фикрни асло ўзимизга яқин келтирбўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Чунки бугунги кунда ёшлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятнинг аксарият сабаби глобаллашув жараёнлари ва маънавиятимизга қаратилган турли кўринишдаги таҳдидлар таъсиридир.

Унутмаслик керакки, бугунги кунда дунёда инсон қалби ва онгини эгаллаш учун қаттиқ кураш кетмоқда. Бу курашда турли мафкуравий полигонлар томонидан турли хил таъсир воситалари ишга солинмоқда. Бундай таъсирлар ҳар хил жозибали ғоялар билан ниқобланганлиги учун бир қарашда қанчалик хавфли эканлигини сезиш қийин. Масалан, интернетдаги оддий ўйин ёки фильм воситасида ўғил-қизларимизнинг қалбини шафқатсизликка, маънавий тубанликка тўлдириши, бизнинг озгина лоқайдлигимиз, масъулиятсизлигимиз уларнинг камолотига тузатиб бўлмас зиён келтириши мумкинлигига қундалик турмуш тарзимизда гувоҳ бўлиб турибмиз.

Азалий қадриятларимиз кўзгуси сифатида "Бир болага етти қўшни ота-она", деган ҳикматли сўзнинг замирига назар ташласак, миллат шаъни, обрўси ва қадр-қиммати мужассам топган беқиёс таълим-тарбия тамойиллари намоён бўлади. Яқин кунларда ҳам, ота-боболаримиз ёшларнинг нозўя хатти-ҳаракатларини кўриб қолса, вақтларини аямай панд-насиҳат беришган. Уларнинг ҳатто, танбеҳлари ҳам қулоққа ёқимли, самимиятга тўла ҳузурбахш эшитиларди.

— "Сенинг бобонг жуда ҳурматли инсон бўлган. Момонг фариштадай аёл эди. Отанг қандай диёнатли, мард одам. Сен ҳам, албатта, уларга муносиб бўл" қабилидаги сўзлари ҳар қайси ўғил-қиз қалбида аждодларидан фахрланиш ҳиссини уйғотиб, ижобий томонга ўзгаришига катта туртки берган. Аждодларимизнинг фарзанд таълим-тарбияси борасидаги бу каби маънавий мероси шу кунимизда ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Зотан, ота-онанинг ҳар бир босган қадами, босиб ўтган умр йўли фарзанд учун ҳаёт мактаби, намуна мактаби вазифасини ўташи бор гап.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Талқин

Аёл – жамият кўрки

Оила бахти, Ватан фахри

ЖАМИЯТНИНГ маънавий ривожи, ундаги ҳуқуқийлик, адолатлилик мезони даражаси хотин-қизларга бўлган муносабат билан белгиланади. Аҳоли эркинлиги ва турмуш фаровонлиги шу юрт аёлларининг мамлакат ҳаётидаги ўрни билан ўлчанади.

МАМЛАКАТИМИЗДА инсон ҳуқуқлари ҳимоясига, эркак ва аёл тенг ҳуқуқлилигига, болалар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. БМТнинг айнан шу йўналишдаги нуфузли ҳужжатларига ва бошқа халқаро ҳужжатларга қўшилмоқда ва ратификация қилмоқда. Жумладан, республикамизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя қилишни таъминлаш, жинсларга нисбатан камситишларга йўл қўймаслик, эркаклар ва хотин-қизларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, хотин-қизларнинг давлат ва ижтимоий ҳаётдаги ролини ошириш каби муҳим мақсадларни ифодаловчи қуйидаги ҳужжатлар, яъни **"Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси"**, **"Халқларнинг тинчликка бўлган ҳуқуқлари тўғрисида декларация"**, **"Иқтисодий ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт"**, **"Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт"**, **"Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактга факультатив баённома"**, **"Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисида Конвенция"**, **"Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида Конвенция"**, **"Болалар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция"** ва шу каби қатор ҳужжатлар ратификация қилинган.

Шу боис хотин-қизларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини муттасил яхшилаб бориш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг соғлиги, ҳуқуқий манфаатлари ва эркинликларини муҳофаза этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Республикамизда яратилган кенг ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиб, оилада ва жамиятда ўрнини топиш кўп жиҳатдан аёлларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигига ҳам боғлиқ.

Бугунги кунда аёлларимиз нафақат баркамол фарзандлар тарбиячиси, оила меҳригиёси, балки мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб келаётган фидойи инсон ҳамдир. Айни пайтда жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасида янгиликка интилувчи, илғор ва етакчи хотин-қизларни учратиш мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, давлатимиз қонунчилигида хотин-қизларга нисбатан бир қатор ҳуқуқ, эркинлик ва имтиёзлар белгиланганлиги яққол кўриниб турибди. Бу ҳол, аввало, қонунчиликнинг инсонпарвар ҳамда адолатлилигидан далолатдир. Зеро, аёл жамият ҳаётининг устуни ва давомчисидир. Аёлларга ҳурмат, ғамхўрлик ва эҳтиром жамиятнинг бугуни ҳамда эртанги равнақининг гаровидир.

Маҳфуза НОРОВА,
Юнусобод тумани 2-сон
давлат нотариал
идораси нотариуси

Ўзаро ҳамкорлик

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ташаббуси билан ҳудуддаги давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиришга қаратилган ўқув-семинар ташкил этилди.

СЕМИНАР давомида ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишларини янада такомиллаштириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимлар тарғиботини кучайтириш мақсадида "Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан конференция, семинар, давра суҳбатларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича услубий қўлланма"нинг тайёрланиб, иштирокчиларга етказилиши жойларда аҳоли ўртасида ўтказиладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирларида жуда қўл келиши алоҳида таъкидланди.

Тадбир якунида давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш ва уни янги босқичга кўтариш бўйича таклифлар муҳокама қилиниб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мирзаабдулла ПАРПИЕВ,
Фарғона вилояти адлия бошқармаси
масъул ходими

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2013 йил 20 февралдаги 27-ум-сонли буйруғига асосан Қораўзак туманидаги "RUSTAMOVA DILFUZA" адвокатлик бюроси адвокати Абдиганиева Тойдыкга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда берилган QR №000108 сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми ўз аризасига кўра тугатилди.

Малака комиссиясининг 2012 йил 7 майдаги 4-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2012 йил 14 майдаги №87-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "S YAKUBOV VA ADVOKATLAR" адвокатлар ҳайъати адвокати Мусалимов Шамиль Вакировичга 2009 йил 1 июнда берилган TN №000139 рақамли лицензиянинг ва 2011 йил 25 мартда берилган 1793-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

Андижон вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 21 февралдаги 35-ум сонли буйруғига асосан Андижон шаҳридаги "А.С.Ҳуқуқ" адвокатлик фирмаси адвокати Якубов Бахромжон Умматалиевичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 28 майда берилган AN 000025 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Андижон вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 21 февралдаги 35-ум сонли буйруғига асосан Асака шаҳридаги "Қалқон" адвокатлик фирмаси адвокати Зияев Мардон Шукуржоновичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 29 майда берилган AN 000036 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

ЯҚИНДА автобусда бўлган воқеани кўриб жуда ҳайратландим. Ўриндиққа суяниб олган ёшгина қиз, телба-тескари қилиқлар қилиб, рақсга тушадими-ей, аҳён-аҳёнда қўшиқ айтиб қоладими-ей, хуллас, у ҳамманинг диққат-эътиборида. Аммо, бу ҳолат унинг парвойига ҳам келмади. Қандай қилиб, ҳеч қандай мусиқасиз ҳам рақсга тушиш мумкин, деб кузатиб турсам, у наушник тақиб олган экан. Кимдир кулди, кимнингдир энсаси қотди. Аммо бу қизга танбеҳ бериб, тўғри йўлга бошлайдиган бирор мард чиқмади. Манзилимиз бир экан, автобусдан тушгач, шошганча машиналарга эътибор ҳам бермасдан, йўлдан ўта бошлади. Сал қолганда машина босиб кетарди. Бироқ, ҳайдовчи ўз вақтида машинани тўхтатди. Бундай бебошлигу, тартибсизликка биргина "наушник"лар сабаб бўлмоқда.

Кўчадаги нохуш вазият "наушник"ларнинг яна қандай салбий оқибатларни келтириб чиқаришга қодир эканлигини ўрганишга туртки бўлди. Аввало, бу борада мутахассисларнинг фикри билан танишсак.

Хавотир

"Наушник..."

ёшлик баҳоридаги завол

Муҳаббат ЖАЛОЛОВА, психолог:

Руҳий зўриқиш, жиззакилик ва чарчоқ олдини олиш мумкин

Атрофни кузатсак, аксарият ёшларнинг қулоқларига қулоқчин тақиб, мусиқа тинглаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Мусиқа тинглаш яхши албатта. Чунки у руҳий эмоционал ҳолатимизни ижобий томонга ўзгартиришга қодир. Кимнингдир тушкун кайфиятини кўтарса, кимнингдир оғир руҳий ҳолатини яхшилайди.

Бироқ мусиқа тинглашнинг ўз меъёри ва жойи бор. Айтмоқчиманки, кўча, автобус, метро ва бошқа транспортларда қулоқчин орқали мусиқа тинглаш салбий оқибатларни келтириб чиқариши табиий. Улар тақилганида атрофга нисбатан диққат-эътибор йўқолади. Чунки уларнинг диққати мусиқага қаратилган бўлади. Ёки уларнинг ўзи билан ўзи овора бўлиб қолишларини кузатиш мумкин.

Инсон ўз диққатини тўплаш ва бир нечта объектга тақсимлай олиш қобилиятига эга. Аммо бундай ҳолда шахслараро мулоқотда чекловлар келиб чиқиши мумкин. Масалан, мулоқот маданиятини олайлик. Инсон қанчалик кўп мулоқотда бўлар экан, у ижтимоийлашиб боради. Чунки у фикр қабул қилади ва ўзи фикр билдиради. Аммо қулоқчинлар ана шу ижтимоийлашувни чеклайди. Шунингдек, доимий равишда қулоқчин орқали мусиқа тинглаш инсоннинг руҳий зўриқишига олиб келади. Бундай одамларда ҳар бир ҳодисага жиззакилик билан муносабатда бўлиш, тез чарчаш каби ҳолатлар кузатилади.

Таклифим қулоқчин тақаётган ёшлар мусиқа тинглаб вақт ўтказгунча, фойдали дастурларни эшитиш, чет тилларни ўрганиш бўйича дарсликларнинг электрон овоз кўринишидаги вариантларини ўрганиш орқали ўз маънавий оламини ҳамда билим савиясини оширсалар яхши бўларди.

Акмал ЮНУСОВ, ИИВ ЙҲББ инспектори, капитан:

Йўл ҳушёрликни талаб қилади

Пиёдалар иштирокида содир бўлаётган йўлтранспорт ҳодисалари мавзуси ҳамон кун тартибидаги энг долзарб масалалардан биридир. Негаки, автомобиль йўлларида пиёдалар гоҳ ҳайдовчининг айби билан, аксарият ҳолларда эса ўзларининг айби билан, яъни йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасликлари, ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини қўпол равишда бузишлари оқибатида жабр кўрмоқда.

Пиёдалар томонидан содир этилаётган қоидабузарликлар сони камаймаяпти. Пиёдалар ўтиши учун қурилган ер ости йўллари, махсус пиёдалар йўлаклари бўлса-да, улар ўз ҳаётини хавфга қўйиб, кўчанинг дуч келган жойидан кесиб ўтишади. Шу билан бирга, жойларда йўл четларига ўрнатилган панжаралар бўлса-да, айрим пиёдалар махсус йўл ости ўтиш жойи бўлишига қарамай, шу панжаралар устидан сакраб ўтишмоқда. Темир панжаралар устидан ошиб ўтаётганлар ичида ёшлар ҳам, кексалар ҳам, ҳатто аёлларнинг борлиги кишини ранжитади. Бундай қоидабузарлик орқали улар ҳаётини хавф остига қўяётганликларини наҳотки тушунишмаса?

Айниқса, ҳозирги кунда ёшлар ўртасида урф бўлган яна бир ҳолатни таъкидлаб ўтиш жоиз. Кимдир гавжум машиналар ҳаракати вақтида, кимдир эса қизил чироқ ёнганда йўлни кесиб ўтишга ошиқаётганига гувоҳ бўламиз. Уларга разм солсак, қулоқларига қулоқчин тақиб олган, яна бирлари телефонда гаплашаётган ҳолатда йўлни кесиб ўтади. Улар бундай вақтда ҳайдовчининг огоҳлантирувчи сигналини эшитмайди, албатта. Бу эса оғир оқибатли йўлтранспорт ҳодисасини келтириб чиқарувчи ҳолатдир.

Маълумотларга кўра, 2012 йил давомида йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан 45 мингдан ортиқ қоидабузар пиёдалар аниқланган.

Пиёдалар иштирокида содир бўлаётган йўлтранспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ИИВ бош бошқармаси кўрсатмасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда жорий йилнинг март ойидан бошлаб, "Диққат, пиёда" ойлиги ўтказилмоқда. Мақсадимиз эзгу. У ҳам бўлса, инсонларнинг ўз қўли билан яратган, оғирини енгил қилиш учун мўлжалланган транспорт ғилдираклари остида ҳаётдан бевақт кўз юмишига йўл қўймасликдир.

Озода ТОИРОВА, шифокор:

Касалликнинг бош айбдори ўзимиз

Турли плеерлар ва телефонлардан "наушник" орқали қўшиқлар тинглаш аксарият ёшларнинг қулоқ касаллигига чалинишига олиб келмоқда. Бу дунёни ўйлантираётган касаллик десам ҳам янглишмайман. Атрофни кузатсангиз, ҳар 5 кишидан камида 2 нафари қулоғига қулоқчин тақиб олган бўлади. Ҳар қандай 80 децибелдан юқори шовқин қулоқнинг ички пардаларини зарарлайди. Қулоқчин тақилганда, жуда баланд товушда янграётган мусиқа қулоққа яқин жойда бўлганлиги сабабли, уни зарарламай қўймайди. Вақт ўтиши билан у бош айланиши, қулоқнинг шангиллашига ва охир-оқибат карликка олиб келади.

Жаҳон мамлакатларида ўтказилган статистик маълумотларга кўра, карлик асосан ёшларда кўпроқ кузатилмоқда. Қандай товушлар кўпроқ зарарли, деган савол барчани ўйлантириши табиий. Биринчи навбатда баланд частотали товушлар ўта зарарли ҳисобланади. Бироқ, жуда паст тондаги товушлар ҳам шундай салбий таъсирларни келтириб чиқариши мумкин.

"Наушник"лар эшитиш қобилиятимизга худди ишлаб турган двигатель каби зарар етказади. Лейчестер университетида ўтказилган тадқиқотлардан аён бўлишича, қулоқчинда баланд овоздаги мусиқани тинглаш нафақат қулоқнинг вақтинчалик эшитмаслиги ва шангиллашига олиб келади, балки асаб ҳужайраларининг қопламига ҳам шикаст етказади. Олимлар эса қулоқчинлардаги баланд овозни реактив двигателникига тенглаштирмоқда.

Аксонлар — қулоқлардан мияга сигнал етказувчи асаб ҳужайра нейронлари бўлиб, ҳимояловчи миелин қобиғига эга. Қаттиқ товуш, масалан, 110 децибелдан юқори шовқин бу қобиқнинг глиал ҳужайраларини узиб юбориши мумкин, оқибатда асаблар ахборотни мияга самарали етказиш қобилиятини йўқотади.

Европа мамлакатларида жамоатчилик олдида қулоқчинлар тақиш ва шундай кўринишда юриш ҳурматсизлик ва шармандалик саналади. Ҳаттоки, мутахассислар уларнинг зарари ҳақида қутиларига **"баланд товушда мусиқа тинглаш соғлиқ учун зарарли"**, деб ёзиб қўйиш талаби билан чиқмоқдалар.

Фан-техника тараққиёти шиддат билан ривожланиб бормоқда. "Наушник"ларнинг ҳам вакуумли кўринишга эга шакли ишлаб чиқилганки, улар оддийсидан икки марта хатарлироқдир. Чунки у қулоқ тешигига мосланган бўлиб, уни тўлиқ қоплаб олади. Натижада, товушлар тўғри қулоқнинг пардасига яқин жойда янграй бошлайди. Бу эса мия касалликларига, бош айланишига ва охир-оқибат қулоқнинг бутунлай эшитмай қолишига сабаб бўлади.

Мутахассисларнинг фикри билан танишиб чиққач, "наушник"лардан доимий фойдаланувчи ёшлардан фикр сўрадик. Кичик "тадқиқот" учун жойни метродан бошладик.

Севар — 17 ёш:

— "Наушник"сиз юролмайман. Нимадир етишмагандек бўлаверади. Уйда қолиб кетса, кун бўйи асабийлашиб қоламан. Мени келажакда қутилаётган зарардан кўра, бугунги кун кўпроқ қизиқтиради. "Наушник" менинг ҳамроҳим.

Шоира — 15 ёш:

— Кўчада "наушник"да қўшиқ тинглаб юриш урфга айланган. Бу эса баъзан яқин танишингизга ҳам эътибор бермай ўтиб кетишга, бегоналашувга сабаб бўлаяпти. Энг ёмони бу ҳолатлар автоҳалокатларни келтириб чиқаряпти. Шахсан мени ҳам бир неча маротаба шу туфайли машина уриб кетишига сал қолган.

Дилнура — 22 ёш:

— Шахсан мен инглиз тилини ўрганиш учун "наушник"дан кўра қулай восита тополмадим. Чунки у товушларни яққол тинглаш имконини беради. Балки шу сабаб тезроқ хорижий тилни ўзлаштириб олдим. Тенгдошларим ҳам ундан шу мақсадда фойдаланса, яхши бўларди назаримда.

Гули Нигор АВАЗОВА — "Постда" газетаси мухбири:

— Телефонни қулоққа тутиб гапиргандан кўра "наушник" орқали гаплашиш қулайроқ. Бироқ ҳамма нарсанинг меъёри бўлгани яхши, ёшлар эса бундай имкониятдан чегарасиз фойдаланмоқда. Кўп ҳолларда улар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик кузатилади. Йўл ҳаракати иштирокчисига айланган ҳар бир инсон, у пиёда бўладими ёки ҳайдовчи ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга мажбур. Назаримда, худди машинада ҳаракатланаётган ҳайдовчи телефондан фойдаланиш тақиқланганидек, жамоат жойларида, йўлларда "наушник"лардан фойдаланишни ҳам чеклаш керак.

* * *

Демак, билдирилган фикрлардан хулоса шуки, барчамиз ўз соғлигимизга, маънавий оламимизга озор бермаслигимиз лозим. Уни ваайлаб-асраш фақат фойда келтиради. Ахир, соғлигинг — бойлигинг, деган гап бежиз айтилмаган.

Дилфуза ЭРГАШЕВА, "Инсон ва қонун" мухбири

Зулфияхоним қизлари – обод турмуш чароғбони

ЯҚИНДА ТДЮИда институт Хотин-қизлар қўмитаси томонидан **"Зулфияхоним қизлари — обод турмуш чароғбони"** мавзуида маънавий-маърифий анжуман ўтказилди. Тадбирда ТДЮИ устоз ва талабалари, Олий Мажлис Сенати, Хотин-қизлар қўмитаси, республика "Оила" илмий-амалий марказининг масъул ходимлари ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Саъдуллаева ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Зулфияхонимнинг халқимизга қолдирган тенгсиз маънавий меросига алоҳида тўхталиб ўтилди. Зеро, бугунги замон қизларининг тарбиясида ушбу меросниг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Анжуман давомида қизларнинг маънавий ва ҳуқуқий онгини ривожлантириш зарурлиги, уларда яратувчанлик иштиёқини янада шакллантириш лозимлиги, оилада соғлом турмуш тарзини такомиллаштиришда аёлнинг ўрни, тежамкор, сабр-қаноатли бўлишни ўрганиш, одоб доирасида кийиниш аёл маънавиятини кўрсатувчи муҳим мезон эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Қизиқарли баҳс-мунозараларга бой бўлган тадбир сўнггида бундай учрашувларни янада кўпроқ ўтказишга келишиб олинди.

Сайёра ЧИНИЕВА, ТДЮИ доценти

Таассуф

Нияти совуқнинг қилиғи ҳам совуқ

Шундай ҳолатда барчамиз бир сесканиб тушамиз: гумбирлаган овоз. Агар бу ўқ овози бўлса-чи? Даҳшатга тушамиз. Бугун дунёнинг баъзи пучмоқларида шундай бўлмоқда. Шукрки, Президентимиз томонидан мамлакатимизда узоқни кўзлаб, олиб борилаётган оқилона сиёсат самараси туфайли юртимизда тинчлик, осойишталик, фаровонлик ҳукмрон. Барча соҳаларда эришилаётган ютуқларнинг, ҳаёт фаровонлигининг асосий омили ҳам ана шу тинчликда.

Ён-атрофимиздаги турли хил кўнгилсизликлар, жаҳондаги кўплаб давлатларда содир бўлаётган мудҳиш воқеа-ҳодисалар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги табиий. Аввало, ҳаётимиздаги осойишталикка, дориломон кунларга шукрона айтиб, бунинг қадрига етишимиз, асраб-авайлашимиз лозим. Зеро, тинчлик — энг олий неъмат. Тинчлик — ҳаётнинг бош мақсади.

Халқимиз ёмон нарсалар, ёмон воқеликларга нисбатан бир сўзни ишлатади: "Совуқ". Дейлик қилмиш мудом ёмонлик бўлган илон, чаён каби газандаларнинг ҳатто номини аташмайди, "турқи совуқ", "оти йўқ" дейишади. Оқибати мудҳишлик бўлган қуролларни "совуқ қурол" дейишади. Уни ёнида олиб юришга ирим қилишади. Қоларса, юртимизда ҳукмрон бўлган тинчлик-осойишталик боис фуқароларимиз учун қуролга ҳожат ҳам йўқ. Аммо... Буни қарангки, ана шу осуда ҳаётнинг қадрини билмайдиган, тинчликка дахл қилиш кўзи билан қарайдиган кишилар ҳам орамизда йўқ эмас экан.

Анваржон Муҳамаджонов ана шундайлар сирасидан чиқиб қолди. Ҳа, унинг қилмишидан шундай хулоса ясаш мумкин. У ўзининг кейинчалик, яъни сўровлар давомида тушунтириш беришича, 2005 йили сой бўйидан ҳали ишлатилмаган патрон — ўқ-дори топиб олганди. Энг қизиғи ва ажабланарлиси ушбу матоҳни йўқ қилмасдан ёки тегишли жойга топширмасдан олти йил уйида сақлабди. Хўш, нега?

2011 йилнинг 9 январь куни у хорижга кетмоқчи бўлди. Қарасаки, болалари ўқ билан ўйнаб ўтиришибди. Шунда ушбу патронни олиб, йўлсумкасининг ён чўнтагига солиб қўяди. Ва бу гўёки унинг "эсидан" чиқиб кетади. Соғлом фикрли одамнинг гапими бу? Ажал уруғи бўлган ўқ сафар учун нечоғли мос келадиган нарса?! Ёши қирқни қоралаётган, оилали, бола-чақали одам ўқ-дорининг мақсадини яхши билади. Ахир ўқ-дорининг инсон жонига қасд қилишдан бошқа зарурати йўқ-ку?! Наҳотки, у буни билмаса?! Унинг бу хатти-ҳаракатлари божхоначиларнинг зийрак нигоҳидан четда қолмади. Ўқ-дори "Тошкент" халқаро аэропортида "Тошкент — Адлер — Сочи" йўналиши бўйича йўловчиларни божхона назоратидан ўтказилаётган вақтда ушланди. Экспертиза хулосасига кўра, ушбу ўқ, жанговор ўқ-дорилар таркибига кириши ва отиш учун яроқли эканлиги маълум бўлди. Аслида бундай экспертизасиз ҳам А.Муҳаммаджонов ўқнинг сафар учун, умуман, ҳаёт учун зарурияти йўқлигини биларди.

Шу иш юзасидан 2012 йилнинг 25 апрель куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сирғали тумани судида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида барчаси янада ойдинлашди.

Одил суд томонидан А.Муҳамаджонов айбдор, деб топилди. Унинг айбдорлиги гувоҳлар сўзи ва махсус экспертиза хулосалари асосида ўз тасдиғини топди. Судланувчининг ўз айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, тергов давомида тўғри кўрсатмалар бергани ва бошқа жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда жиноятчига жазо чораси белгиланди. У 5 йилу 3 ой озодликдан маҳрум этилди.

Таассуфли томони бу каби ҳолат ягона эмас. 2010 йилдан бугунга қадар "Тошкент" аэропортида учраган бундай ҳолатлар кишини ҳайрон қолдирди. "Тошкент" халқаро аэропорти учиб кетиш залида жойлашган эркаклар ҳожатхонасидаги унитаз ичидан ўқотар патрон топилди. Шунингдек, ушбу аэропорт-дан "Тошкент — Санкт-Петербург" йўналиши бўйича учиб кетаётган Россия Федерацияси фуқароси, вақтинча Тошкент шаҳрида рўйхатда турган Сергей Оролов божхона назоратидан ўтказилганда, унинг сумкаси ичида ҳам ўқ борлиги аниқланган.

"Москва — Тошкент" йўналишида учиб келган россиялик И.Л.Никифорованинг сумкасида ҳам бир дона патрон борлиги аниқланган. "Тошкент — Екатеринбург" йўналишида учаётган В.В.Семаев чамадони ичидан ҳам бир дона автомат ўқи топилган ва ҳоказолар.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Ушбу ўқлар нима учун керак? Совға қилиб бўлмаса, рўзғорда, турмушда ишлатилмаса... Ўқ-дорининг биттагина вазифаси бор; Ўлим келтиради. Шундай экан, уни ёнида сақлашдан мақсад не? Англашиладики, кўнгилда бировга қасд қилиш, тинчликка раҳна солиш нияти бор одам шундай қилади. Кўпни кўрган қарияларимиз нияти совуқнинг — қилиғи совуқ, дей бежизга айтишмайди. Ҳа, бундай кимсаларнинг ҳаракатини фақатгина ана шундай баҳолаш мумкин.

Халқимизнинг кўплаб ибратли нақлу иборалари бор. Бировга ўлим тилагунча, ўзингга умр тила, дейилади бир мақолимизда. Инсон инсонни ўлдириб, ҳеч қачон бахт топмаган. Шу истак кўнгилда пайдо бўлдими, унга шайтон ҳамроҳ бўлиши, уни амалга ошириш мақсади кучайиб бораверишидан бор гап. Зотан, сумкангизда ўқ сақлагунча, қалбингизда яхши тилаклар сақланг. Зеро, ниятингиз ўзингизга йўлдош бўлса.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА

"Инсон ва қонун" газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг Наманган вилояти бўйича мухбири Абдуҳошим Мадатовга онаси **Малика ая МАДАТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ижтимоий реклама

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 16-моддаси, 1-қисмининг 3-бандига ҳамда Фарғона вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 25 февралдаги 51-ум-сонли буйруғига асосан Фарғона шаҳридаги "Ҳуқуқ" адвокатлик бюроси адвокати Рахимов Ҳошимжон Абдукаримовичнинг (лицензия 24.06.2009 йил FE №000166, адвокатлик гувоҳномаси №67, 25.06.2009 й.) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва адвокат мақоми тугатилди.

Тошкент шаҳридаги "LEGAL BIZNES KONSALTING" адвокатлик фирмаси адвокати Базаров Федор Федоровичга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 5 июнда берилган TN №000531 сонли лицензиянинг амал қилиши шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 21 февралдаги 47-ш/т-А-сонли буйруғига асосан суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунига қадар тўхтатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 1 мартдаги 43-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "Қомус" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Урунов Толибжон Урунович вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 16 июнь куни берилган SA 000275 рақамли ҳамда Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд қонунчилари" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Қорабоев Олим Эсанкуловича вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 8 июнь куни берилган SA 000027 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Жиззах вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 28 февралдаги 28-ум сонли буйруғига асосан Жиззах шаҳридаги "Малакали ҳимоя" адвокатлар ҳайъатининг адвокати А.Аблаёровга 2009 йил 4 июнь куни бошқарма томонидан берилган GZ 000027 сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш муддати 2 ойга тўхтатилди.

ИНСОН ва ҚОНУН
1996 йилнинг январидан нашр этилади
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Қўчқор Тоғаев
Турсунов Тўлқин Мирзаевич
Очилов Алижон Мухлисович
Муҳаммаджонов Омонулла Зокирович
Султонов Алимқул Тошбекович
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-6627. Тиражи — 23780.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5